

**NAVBAHOR
TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**



**NAVBAHOR INTER-
DISTRICT
ECONOMIC COURT**

210200, Navbahor tumani, Beshrabot
qo'rg'oni, Boburshoh ko'chasi

Navbahor district, 210200,
Beshrabot fortress, Boburshoh
street

Tel: (79) 562-87-31, (79) 562-87-23
mail: i.navbahor@sud.uz

Веб сайт: www.oliysud.uz

e-

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Навбахор тумани 2022 йил 21 ноябрь 4-2103-2201/1566-сонли иш

Навбахор туманларaro иқтисодий судининг судьяси Ш.З.Хамидовнинг раислигида, А.Рамазоновнинг котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамиятининг манфаатида жавобгар “ДЕНҚОН ОТА” фермер хўжалигига нисбатан киритган даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили О.Ражабов (2021 йил 21 декабрдаги 11/5823-сонли ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Навбахор туман электр тармоқлари корхонаси биносида очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

а н и қ л а д и:

Даъвогар Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамияти (бундан буён матнда-даъвогар) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “ДЕНҚОН ОТА” фермер хўжалиги (бундан буён матнда-жавобгар деб юритилади)дан 25.745.130 сўм асосий қарз ва 438.856 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлиси жойи ва вақти тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар вакили суд мажлисига келмади.

Суд низони Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда-ИПК)нинг 128, 170-моддаси талабларига асосан уларнинг иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатларга асосланган ҳолда кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили судга маълумотномани тақдим этиб, даъво аризаси судга берилганидан сўнг ҳам тўловлар амалга оширилмаганлигини маълум қилиб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд, низо моҳияти юзасидан ишда иштирок этувчи тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича муҳокама этиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 01.01.2022 йилда 56/40-сонли юридик шахслар учун электр энергияси таъминоти шартномаси тузилган.



Шартномага кўра, даъвогар жавобгарга электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш, жавобгар эса истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.3-бандига кўра, шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ойни ташкил қилади.

Шартноманинг 3.6-бандига мувофиқ, жавобгар келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунга қадар шартномада кўрсатилган қийматни 100 фоиз олдиндан тўлаши белгиланган.

Даъвогар томонидан шартнома шартлари бажарилган ҳолда шартномада кўрсатилган ҳажмда жавобгарга электр энергияси етказиб берилган бўлса-да, жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаган ва тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши шарт.

Шу сабабли суд, даъвогарнинг 25.745.130 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги талабини қаноатлантиришни лозим топди.

Шунингдек, даъвогар жавобгардан 438.856 сўм пеня ундиришни сўраган.

Шартноманинг 3.12-бандига мувофиқ, тўловлар белгиланган вақтда амалга оширмаганлиги учун жавобгар даъвогарга ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб берадиган корхоналар учун эса - 0,2 фоиз пеня ҳисобланиб аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаши белгиланган.

Пеня ҳисоб-китоби асосли.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасида эса, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши кераклиги кўрсатилган.

Шу сабабли, суд мажбуриятни бажарилиш даражасини, неустойкани мутаносиблигини таҳлил қилиб, ушбу талабни қисман, яъни 200.000 сўм миқдорида қаноатлантиришни, пенянинг қолган қисмини рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи



шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён этилганларга асосан суд, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 25.745.130 сўм асосий қарз, 200.000 сўм пеня ва олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати ундиришни ҳамда жавобгардан Республика бюджетига 523.680 сўм давлат божи ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 176-179, 186, 192 -моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъвогар Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамиятининг даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “DEHQON OTA” фермер хўжалигидан даъвогар Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамияти фойдасига 25.745.130 сўм асосий қарз, 200.000 сўм пеня ва олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисми қаноатлантиришдан рад этилсин.

Жавобгар “DEHQON OTA” фермер хўжалигидан Республика бюджетига 523.680 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради. Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ой муддатда Навоий вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ш.З.Хамидов

